



TAMADDUN NURI

Илмий, ижтимоий-фалсафий,
маданий-маърифий,
адабий-бадиий журнал
Икки ойда бир марта чиқади

МУАССИС:

Қорақалпогистон Республикаси
Беруний тумани ҳокимлиги

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

ЎзРФА Қорақалпогистон бўлими
Хоразм Маъмун академияси

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Сирохиддин САЙИД

Муҳаммад АЛИ

Кенгесбой КАРИМОВ

Иқбол МИРЗО

Гулистон МАТЕҶУБОВА

Қурбон ШОНИЁЗОВ

Аҳмад ОҚНАЗАРОВ

Ўрзобой АБДУРАҲМОНОВ

Муротбой ЖУМАНОВ

БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал САЙДОВ

Нағмет АИМБЕТОВ

Ғайратдин ҲЎЖАНИЁЗОВ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ

Шорустам ШОМУСАРОВ

Каримбой ҚУРОМБОЕВ

Зарифбай ДўСИМОВ

Олмос УЛЬВИЙ

Ваҳоб РАҲМОНОВ

Бахтиёр КАРИМОВ

Алима БЕРДИМУРОДОВА

Марат НИЁЗИМБЕТОВ

Неъмат ПОЛВОНОВ

Яҳшибека АБДУЛЛАЕВА

Машариб АБДУЛЛАЕВ

Ўқтам МАВЛОНОВ

Муҳаммадшариф ҲЎЖАНИЁЗОВ

Қозоқбай ЙЎЛДОШЕВ

Норбек ТАЙЛАКОВ

Сафо МАТЖОНОВ

Усербой АЛЕУВ

Мэлс ҚОБУЛОВ

Дониёр ҲОЖИЕВ

Бозорбой ОРАЗАЛИЕВ

Рассом: Алибек АБДУРАҲМОНОВ

Саҳифаловчи-безовчи:

Фиёсиддин ЎНАРОВ

Техник мұхаррир:

Улугбек САЙДОВ

Ушбу сон "Тамаддун нури" журнали
таҳририятининг компютерида
саҳифаланди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 07.00.00 "Тарих",
09.00.00 "Фалсафа", 10.00.00
"Филология" ихтисослиги бўйича
рўйхатига киритилган.

МУНДАРИЖА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СОЛНОМАСИДАН

Атабек САЛАРБАЕВ. Янги Ўзбекистон истиқболи акс этган дастур. 2

ТАРАҚҚИЁТ ҚАФОЛАТЛАРИ

Фурқат ПРИМОВ. Бюджет сиёсати испоҳотлари халқ манфаатлари хизматида. 3

ХУҚУҚИЙ ТАРГИБОТ

Айбек КАМАЛОВ. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда давлат органларининг ўрни. 6

Рустам КУРБАНБАЕВ. Мурожаатларни кўриб чиқиш қонуний кафолатланган. 10

МАЪННАВИЯТИМIZ САРЧАШМАЛАРИ

Мунаввара ЮСУПОВА. Китоб – доимий ҳамроҳим. 8

БЕРУНИЙШУНОСЛИК

Ҳамидулла ҲАСАНОВ. Берунийнинг дунё ҳаритаси. 13

Асрор НИЗОМОВ. Беруний денгиз трансгрессияси ва регрессияси ҳақида. 16

ТАРИХ

Орзиеев МАҲМУД. XX аср бошларида Россия – Афғонистон ўртасидаги муносабатлар тарихидан. 18

Машхура РЎЗИЕВА. Ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишда ижтимоий ғафоллик. 22

Умиджон БЕКИММЕТОВ. Хоразм қишлоқлари советларнинг колективлаштириш сиёсати арафасида.... 30

Ойбек РАШИДОВ. Совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати. 30

Манзура ЮСУПОВА. Наврӯз байрами таомлари: тарихийлик ва замонавийлик. 33

Нилюфар КОШАНОВА. Ҳалимиз ҳаётидаги зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ анъана ва маросимлар.... 35

Баҳтиёрхўжа ШОДМОНОВ. Ўзбекистон илм-фани ва таълими соҳасида ёш кадрлар тайёрлашнинг тарихий босқичлари.... 44

Аҳдам МАВЛОНОВ. Сув – испом динида асосий покловчи унсур сифатида. 59

ОБЩЕСТВО

Акбар ВАЛИЕВ. Социальная защита населения в условиях обретения

Ўзбекистаном государственной независимости..... 41

ФАЛСАФА

Роза САДИКОВА. Конфуций ахлоқий таълимоти. 49

Тимур МАДАЛИМОВ. Мирзо Голиб фалсафасига қадимиги ҳинд фалсафий мактабларининг таъсири. 52

Раимберди ХАЙТМЕТОВ. Маълоко Румийнинг "Маснавии маънааси" асарида амалий ахлоқ муаммоси. 76

ЭКОЛОГИЯ

Шоҳруҳ МАДАТБОЕВ. Янги даврни бошлаган тарихий Мурожаатнома. 55

Абдували БУРХАНОВ. Саъдулла АМИНОВ.

Некоторые вопросы экологии, роль и место экологии в обществе. 65

ФИЛОЛОГИЯ

Улбусин АМЕТОВА. Кубровийлик тариқатида ранглар талқини..... 56

ТАРИХ БИЛАН УЧРАШУВ

Яҳё ГУЛОМОВ. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. 62

НАСР

Бегойи. Қолган кўнгил. Ҳикоя. 60

ЖАМИЯТ

Муяссар ВАХИДОВА. Янги чўққилар сари. 70

Сайдеафо БОБОЕВ. Ривожлантиришни дастлабки бўғиндан бошлаймиз. 71

НАЗМ

Назира БЕКИМБЕТОВА. Янги давринг муборак, Ўзбекистоним!. 72

ПЕДАГОГ МИНБАРИ

Malika ABDURAXMANOVA. "VATAN POSBONLARI" mavzusida bir soatlik tarbiyaviy soat ishlansasi. 58

Манзилимиз: Қорақалпогистон Республикаси, Беруний тумани
“Ҳалқлар дўстлиги” кўчаси, 11-йй. e-mail: qurbanboyeva@inbox.ru

Тел.: (+99899) 504-84-84

Босиша 14.02.2020 йилда рухсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 ½. Нашриёт ҳисоб табоби 6,5. Индекс – 960

Журнал 2016 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0843 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналдан кўчирниб босилганда "Тамаддун нури"дан олинди деб изоҳланиши шарт. Матн ҳамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдор.

Таҳририята келган кўлёзмалар тақриз кўлинимайди ва муаллифга қайтарилмайди.

"SILVER STAR PRINT" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 6.

Адади 2300 дона. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-йй.

ISSN 2181-8258

НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАОМЛАРИ: ТАРИХИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Аннотация: Наврўз – ўзбек халқининг энг қадимий ва миллий байрамларидан бири ҳисобланниб, янги кун маъносини ифодалайди. Асрлар давомида Наврўз билан боғлиқ анъаналар халқлар ва элатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди, кўп ўлкаларнинг анъанавий миллий байрамига айланди. Аслини олганда Наврўз дехқончилик маданияти шаклланиши таъсирида қарор топган. Абу Райхон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Наврўз байрами Жамшиднинг таҳтга ўтирган кунидан бошлаб нишонлангани ҳақида маълумот беради. Наврўз Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг қадимиий, анъанавий янги йил байрами бўлиб, Ўрта Осиёда ислом дини қабул қилинмасдан анча илгарироқ мавжуд бўлган.

Калит сўзлар: наеврўз, Жамшид, Эрон, ҳалим, ҳалиса, сумалак, маросим.

Аннотация: Один из древнейших национальных праздников является Навруз. Вековая традиция, связанная с Наврузом привела к развитию экономических и культурных связей между народами и превратился в национальный праздник многих народов. Навруз формировался на основе культуры земледелия. Абу Райхан Беруни в своём произведении “Памятники древних народов” даёт сведения о том, что Навруз был отмечен со дня коронизации царя Жамшида.

Ключевые слова: праздник Навруз, Жамшид, Иран, национальные блюда, ҳалим, ҳалиса, сумалак, традиция.

Annotation: Navruz is considered as one of the ancient holidays of the Uzbek nation. The word “Navruz” means “New day”. Over the ages, many traditions relating to Navruz helped to develop economical cultural bonds among other nations and people. Abu Raykhon Beruniy wrote about Navruz in his book called “The remains from ancient nations “that this holiday began from throning of Jamshid.

Key words: navruz, Jamshid, Iran, Central Asia, tradition, zoroastrism, fire, “new day”, sumalak, halisa, halim.

Наврўз – ўзбек халқининг энг қадимий ва миллий байрамларидан бири ҳисобланниб, янги кун маъносини ифодалайди. Асрлар давомида Наврўз билан боғлиқ анъаналар халқлар ва элатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди, кўп ўлкаларнинг анъанавий миллий байрамига айланди. Аслини олганда Наврўз дехқончилик маданияти шаклланиши таъсирида қарор топган. Абу Райхон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Наврўз байрами Жамшиднинг таҳтга ўтирган кунидан бошлаб нишонлангани ҳақида маълумот беради. Баҳорги кун ва туннинг teng келишини 3-4 минг йил олдин кашф қилиш, 21 марта янги йил байрами сифатида тантанали нишон-



Манзура ЮСУПОВА,
Бухоро давлат
университети
жаҳон тарихи
кафедраси камта
ўқитувчиси



лашнинг ўзи юртимизда илм тараққиёти қанчалар ривожлангани ҳақида маълумот беради. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Наврӯз Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқарининг қадими, анъанавий янги йил байрами бўлиб, Ўрта Осиёда ислом дини қабул қилинмасдан анча илгарироқ мавжуд бўлган. Умар Хайём ўзининг “Наврӯзнома” асарида наврӯз байрами тўғрисида қуидаги маълумотларни келтиради: “Наврӯз (янги кун) – баҳорги кечва кундуз тенглигига тўғри келадиган янги йил байрами. Баҳорги тенг кунлик аста-секин сурилиб туради (ҳозирги пайтда 20-22 марта тўғри келади, Хайём замонида 14-16 марта тўғри келган).

XVIII асрнинг охирларида яшаган ва наврӯз байрами арафасида Бухорода бўлган рус сайди И.Л.Яворский ўзининг “Саёҳатнома” асарида наврӯз байрами куни регистон майдонида савдо расталари ташкил этилар эди, деб ёзади. Наврӯз “Тарихи Наршахий” да алоҳида таъкидланади. Унда ёзилишича, азалдан Бухорода наврӯзий дўп-пилар тикилган, наврӯзий либослар кийилиб, наврӯзий таомлар ва пишириқлар пиширилиб байрам қилинган. Наврӯз арафасида “Қозон тўлди” анъанаси ўтказилган. Бу анъана аждодларимизнинг ҳосилдорлик ва кут-барака билан алоқадор қадими эътиқодини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Тарихнависларнинг маълумот беришларича, қадимги аждодларимиз томонидан мўътабарлаштирилган катта қозонлар муқаддас ҳисобланган. Чунки оммавий маросимлар чоғида таом тайёрланган бундай қозонлар эл-юртни бирлаштиришга, ўзаро ҳамжиҳатликка, бирдамлик ва фаровонликка хизмат қиласи, деб билгандар. “Қозон тўлди” куни уй бекалари қўли-қўлига тегмай, уйларни йиғишиб, тозалаб, эски, рўзгорда ишлатилмайдиган анжомларни ташқарига чиқариб ташлаб, турли хил пишириқлар (сомса – гўшти, кади (ковоқли, картошқали), таомлар (ширгуруч, чучвара, шўрва – товуқли, қиймали, хамирли, нўхатли) пиширишган ва дастурхон безашган [1]. Яқин қариндошлар, қуни-қўшилар бир-бирларининг уйларига ташриф буюриб, бир-бирларини меҳмон қилганлар. Мучал ёшидагилар хонадонида наврӯз кунларида камбағал, етим-есир ва барча халқа байрамлик, инъом ва совғалар ҳадя этишган. 7 нонга 7 хилдан пишириқ, 7 хил ширинлик қўйиб, 7 хонадонга тарқатишган. Шунинг учун 7 рақами Наврӯзи оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган” [2].

Фольклоршунос олим О.Сафаровнинг таъкидлашича, “Ўтмишда Наврӯз дастурхонига “С” ҳарфи билан бошланувчи 7 хил таомнинг қўйилиши, 7 хил кўкатдан сомса тайёрланиши, 7 хил дондан “Наврӯз гўжа” пиширилиши, қолаверса, шу 7 кун давомида кўпкари (пойтахтнинг шарқий томонидаги дарахтзорда 7 кун давомида от чопиш ўйини) ўтказилиб, еттинчи куни нишон учун олтин танга қўйилиши, ким ўша тангани уриб олса, бир

кун мамлакатга подшолик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиши каби анъаналарга амал қилинган”[3]. Наврӯзда маҳаллаларда, гузарларда, қишлоқ ва овулларда пишириладиган маросим таомларидан бўлмиш “Гўжа оши” ёки “йил оши” ичиш удуми ҳозиргача сақланиб қолган. Айрим вилоятларда (Самарқанд), туманларда (Бойсун) буғдой, арпадан “Дарвеш оши” ёки “кўча оши” пиширилган, бу афсонавий Сиёвуш ва дехқонлар пири Бобо Дехқон (Бурқисармаст) [4] номи билан аталадиган “Дарвешона” баҳор маросими билан боғлиқ. Буҳоро вилоятининг Жондор, Шофиркон туманлари ўзбекларида у таом “шамол оши”, Олот, Қоракўл тумани ўзбекларида эса “эл оши, худойи”, воҳа тоҷикларида эса “оши дарвешон” ёки “дарвешона” деб аталган. Мазкур маросимда асосан, мoshova таом тайёрланган. “Дарвеш оши” одатда йил оғир келса, табиий оғат ва фалокатлар тез-тез содир бўлганда, маҳалла ва қишлоқ жамоаларида кўпчилик томонидан пиширилган. Кучли шамоллар бўлиб, аҳолига, унинг ҳўжалигига катта зарар келтирган пайтда “дарвеш оши”нинг ўзига хос варианти “шамол оши” маросими ўтказилган. Бу маросимда пиширилган таомни ҳамма биргалашиб тановул қилган. Ҳатто, қишлоқдан ўтиб кетаётган бегона йўловчилар ҳам маросим дастурхонига таклиф этиларди. Бироқ ҳаммадан олдин бу таомни дарвешга едириш шарт бўлган. Ҳалқда танг аҳволда қолган одамларга таом тарқатилиб келинган ва ушбу маросимнинг сарқитлари ҳозирги кунда ҳам замон руҳига мос ҳолда ўтказилиши урф-одатларнинг ғоявий бирлашуви, уларнинг маънавий бойишига ёрдам бериб келаётганлигидан далолат беради. Наврӯз куни қишлоқ ва шаҳар маҳаллалари фаоллари иштироқида маҳаллаларда байрам дастурхони ўзилган. Асрий анъаналаримиздан бўлган миллий таомларни тайёрлаш бўйича танловлар ташкил этилган ва таомларнинг бир неча хили тайёрланиб дастурхонга тортилган. Шу анъана сабаб қадими таомларимизнинг кўпчилиги сақлаб қолинган (ҳалим, ҳалиса, сумалак, ош).

Ҳолвайтар ҳам маросим таомларидан бўлиб, қиздирилган қозонга озгина ёғ солинган. Ун солиб қизарунга қадар кучли оловда қовурилган, кейин шакар ёки қанд қўшиб пиширилган. Ҳолвайтар тайёр бўлгач пиёла ёки ликопчаларга солиб совутилган ва дастурхонга тортилган. Бу таом дастурхон кўрки бўлиб, асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ушбу таом табобатда инсон соғлиги учун фойдали деб топилган.

Сумалак – Буҳоро воҳаси аҳолиси бу таомни Биби Фотиманинг оши, деб эътироф этади. Биби Фотима сумалак пишираётганларга бош-қош бўлиб турармиш. Агар тонготар маҳали у сумалакка беш бармогини урмаса, наврӯз таоми қиёмига этиб пишмайди, деб ирим қиласидилар. Тонгга яқин сумалак қайнаётган қозонни ковлаётган момоларни (бувиларни) уйку элитиб, улар пинакка кетган

пайтда осмону фалақдан келган малойик (фаришта)лар туз ташлаб кетармиш. Сумалакка туз солмасликнинг боиси шунда экан [5]. Сумалак қозонини ковлаётганда унинг атрофида ўтирган аёллар оллоҳдан (бефарзандлар фарзанд сўраганлар, касалмандлар шифо топишни сўраганлар) тинчлик, хотиржамлиқ, оилавий баҳт, омад сўраганлар. Сумалак кўпчилик бўлиб пиширилган. Қишдан эсон-омон чиқиб олдик, деб, хонадонлардан бир косадан бугдой (баъзан ун) йигиб олинган. Айтишларича, бир қозондан таом еганлар бир-бира гирига қариндошлардек яқин бўлиб қолишар экан.

Наврӯз 3-3,5 минг йиллар илгари пайдо бўлган бўлиб, асрлар давомида янгича қарашлар ва анъаналар билан бойиб борди. Шу билан бирга унинг таркибида аждодларимизнинг қадимги мифологик тасаввурлари ва ҳаёт тарзи билан алоқадор маросим ва урф-одатлар ҳам сақланиб қолди.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, наврӯз арафасида Бухорода “қизил гул сайли” ўтказилган. Бу асосан меҳнаткашларнинг байрами бўлган. Ёш авлод учун эса севги-муҳаббат байрамига айланган. Қўшни қизга кўнгил қўйган йигит бирор бола орқали қизга бир ҳовуч майиз, ҳолва, хўрозқандни рўмолчага туғиб узатиб, ишқини баён этган. Бунга жавобан қиз розилигини ўз қўли билан тиккан рўмолча ва белбоғни бериб юбориш орқали билдириган. Бу байрамда қизлар базми ўтказилиб, хино, ўсма қўйилган. Қизлар ўзлари дастурхон учун турли хил пишириқлару, таомлар тайёрлашган. Бухоро амири Абдуллоҳон II (бу воқеалар 1547 – 1598 йилларни ўз ичига олади) давридаёқ бу байрамни нишонлаш учун кенг имкониятлар яратилган. Тарихнавис Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад ал-Бухорий ўзининг “Шарафномаи шоҳий” асарида, адид Садриддин Айнийнинг “Эсдаликлар” асарида, ёзувчи Миркарим Осимнинг “Элчилар” романида гули сурх (қизил гул) байрами ҳақида маълумотлар келтирилган.

Наврӯзий таомларда парранда гўштидан тайёрланган таомларга алоҳида эътибор берилган бўлиб, ушбу одатнинг вужудга келиши ҳақида тарихчи Наршахий қўйидагиларни қайд этган: “...ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврӯз куни қўёш чиқишидан олдин ўша жойда (Сиёвуш қабри устида) биттадан хўroz сўяди” ва бу аҳоли орасида одат бўлиб қолган. Шундан бўлса керак, наврӯз арафасида паррандалар жуда кўп сотилган. Ўрта Осиёда наврӯз байрамида бозорларда турли хил рангларга бўялиб пиширилган тухумлар савдоси кучайган, бунга жуда қадимдан ўтказиб келинган тухум уриштириш мусобақалари сабаб бўлган. “Туркестанские ведомости”да келтирилган мақолада қайд этилишича “... Бин Садриддин томонидан ёзилган “Ҳайрат ал Фуқаро” асарида ҳижрий III асрда Абу Ҳафс Кабир (Хожа имом Абу Ҳафс Кабир – Бухорода ўтган машҳур фиқҳ-шариат илмининг билимдони, 834 йилда вафот этган) исмли

бухоролик авлиё бўялган тухумларни уруштириш ва машъала ёқиб тантанали юришларни қаттиқ танқид қилиб, уларни катта гуноҳ ҳисоблаган бўлса ҳам, бундай одатлар кенг тарқалган”.

Бухоролик меҳнат фахрийси, ёзувчи Суннатилло Наимов ва укалари Нусратилло Наимов “Гули сурх (қизил гул)” байрамини қуидагича эслайдилар: “Болалик хотиралари... ойимиз тонг ёришмай бизни уйғотиб, юз-қўлимизни юваб, янги кийимлар кийгиздилар. Чой ҳам ичмай отамиз билан олис сафарга отландик. Сафар манзили Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг муқаддас қадамжолар, мақбаралари бўлиб, айланиб, зиёрат қилиб чиқдик. Мақбара чеккасида қурилган чодирлардан йигит-қизларнинг шўх кулгулари, қийқириқлари, муллаларнинг тиловатлари, бу ерда бир маърака бўлаётгандигидан дарак бериб турарди. Бу ерда қизил гул сайли бўлаётган экан. Биз бир чодирдан иккинчисига ўтиб, отамнинг ёру биродарлари даврасида ўтиридик, ҳалиса, мошоба, қабоб, ҳалим, кочи, шавла сингари ажиб таомлардан тановул қилдик, косаларга қуилган шинни (балхи тутдан тайёрланган) шарбатидан тўйиб ичдик. Афсуски, бу маросимни ўтказиш таъкиқлангандан сўнг, қайта нишонланмади ва биз бунақа байрам нишонланганлигини ҳам эшитмадик. Аммо бу байрамда таомга бағишилаб айтилган қўшиклилар ҳали ҳам қулогим остида жаранглаб туради:

Кочи – полвонларнинг оши,
Мошоба – эшонларнинг оши.
Ҳалиса – ҳалолларнинг оши,
Шавла – шодмонларнинг оши.
Ҳалим – ҳакимларнинг оши,
Пиёба – етимларнинг оши.
Софи – султонларнинг оши,
Қабоб – хонларнинг оши[6].

Наврӯз олди ҳалқимиз орасида яна шундай бир анъана мавжуд бўлиб, бу анъана Ўрта Осиё, айниқса, Бухоро аҳолисининг асрий анъанаси ҳисобланган ҳашардир. Ҳашар – бу кўпчиликнинг бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирларига чин дилдан ёрдам беришидир. Қадимдан ота-боболаримиз қишлоқларда хўжалик ишларини кўп ҳолларда ҳашар йўли билан битириб олишган. Ерларга кўмилган токларни очиш, кесиш, тарош боғ боғлаш, ҳашак-сомон тўплаш, ҳосилни йиғиб-териб олиш, катта ариқ-каналлар тозалаш каби ишларнинг ҳаммаси худди шу ҳашар йўли билан бажарилган [7]. Чунки, одамларнинг якка хўжаликлирида боғ-томорқалар, ҳосилдор ерлар, катта ва меҳнатталаб бўлиб, дехқондан кўп кўл қучи талаб қилинган. Ҳозир ҳам сақланиб қолган бу удумлар айрим жойларда секин-аста ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Ҳашар, кўпинча, қишлоқларда ўтказилиб келинган. Қишлоқ аҳолиси ҳашар орқали бева-бечораларга, камбағал оилаларга катта ёрдам бериб келгандар. Бу эса ўзбекларга хос хусусият ва фазилат десак, хато бўлмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Бухоро воҳасида табият ва дехқончилик билан боғлиқ маросим, удум, сайиллар XIX аср охири XX аср бошларида кенг тарқалган бўлиб, бу анъаналар ўзининг моҳиятига кўра, келаётган йилда мўл-кўл ҳосил етиширишдек эзгу мақсадларга қаратилган қадимий қадриятлар сирасига киради. Қолаверса, бу маросим ва урф-одатлар кишиларнинг бир-бирларига бўлган ҳурмат ҳамда меҳрини оширган. Юқорида айтиб ўтган маросимлар ва сайилларда миллий қадриятлар уйғунлашганлиги боис ҳам асрлар мобайнида ажододлардан авлодларга ноёб мерос бўлиб келмоқда ва уларнинг айрим кўринишлари халқимиз турмушида ҳозиргача сақланиб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дала ёзувлари: Когон тумани Тараққиёт маҳалласида яшовчи Марзия ая билан ўтказилган суҳбат жараёнида ёзиб олинди. 2019 йил 14 апрель.
2. Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 110.
3. Дала ёзувлари: Шофиркон тумани Шўробод қишлоғида яшовчи Халилова Ойижон буви билан бўлган суҳбат асосида ёзилди. “Етти”

– “Етти Син” (афғон удумига кўра “ҳафт син”), яъни “етти син” – номи “син” ҳарфи билан бошлини надиган етти хил таом пишириши анъанаси. Сумалак пиширишда ҳам еттилилка амал қилингган. Ундириш учун ивитилган ва таҳтага ёйилган буғдоига етти кун сув пуркаб туриласди. Етти кундан сўнг униб чиқсан буғдоий майсаси майда қилиб тўғраб чопилган (ҳозирда гўшт майдалагичдан ўтказилади) ва етти марта сувда ювилиб, суви сиқиб олингган. 2019 йил 4 март.

4. Дала ёзувлари: Бухоро вилояти Шофиркон туманиндағи ўзбек ва тожиклар истиқомат қилалигандаган Вардонзе қишлоғида дехқонлар пирни Бобо Дехқон – Бобоий Бурқисармастининг қабрлари жойлашган бўлиб, баҳор кириб келиши билан у ер одамлар билан гавжум бўлади. Одамлар бу ерда ҳатми қуръон ўтказиб Бурқисармаст бобонинг қабрларини зиёрат қилганлар. Кўпкари ўйини ҳам шу ерда ўтказилган. Сайиллар уюштирилган.

5. Гулсара Салом қизи Қаюмова: “Ҳаётбахш қадриятлар”// Кун ва тун тенглашганда. Бухоро, 2006. Б. – 8.

6. Гулсара Салом қизи Қаюмова: “Ҳаётбахш қадриятлар”// Кун ва тун тенглашганда. Бухоро, 2006. Б. – 55.

7. Муҳаммад Саттор. Ўзбек удумлари. Т.: Фан 1993. – Б-53.

СЎЗЛАР САЛТАНАТИГА САЁХАТ

“НЕФТЬ” ИЗЛАБ

Ёнилғи сифатида ишлатиладиган ва ундан бензин, керосин каби маҳсулотлар олинадиган қора ёғсимон суюқ модда тилимизда нефть деб аталишини яхши биламиз. Бироқ негадир бу сўз тилимизга бошқа тилдан кириб келгандай таас-сурот қолдиради. Аслида нефть сўзи тилимизда қадимдан бўлган туркӣ сўздир. Алишер Навоийнинг “Хамса”сида “нефть” сўзи бир неча ўринларда “нафт” шаклида келган:

Бўлиб икки кўзи наззора чоги,
Нечукким нафтнинг ўтлуғ булоғи.
Алишер Навоий

Не ўтким оғзидин тортиб забона,
Бўлиб нафтни ёрутқондин нишона.
Алишер Навоий

Ҳа, барибир... негадир “нефть” сўзи тасаввуримда бизга бегонадай туюлаверади. Қанча яқин олишга уринмай, ётлашгандай, тилнинг руҳига сингмаётгандай. Гўёки, ёшлик йилларида хорижга кетиб, ёши ўтиб қолганида қишлоғига қайтиб келган одамдай. Мисли у ёқдаям мусоғир-у, бу ёқдаям мусоғир. Ўзиям бу сўзининг хорижга сафари беш юз йилга яқин давом этган. Лекин бу сўздан Тилнинг аразлаган жойи йўқ. От айланиб-айланиб қозигини топгандай “нефть” қайтиб келганда, Она тил уни кулибгина бағрига олган.

Эшқобил ШУКУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият
ходими